

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ҒАЙБУЛЛАЕВ ЭЛБЕК АЗИЗБЕКОВИЧ

**ЧЕКУВЧИЛАРДА ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ШИЛЛИҚ ПАРДАСИ
КАСАЛЛИКЛАРИНИ ТАШҲИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИНГ ЯНГИЧА
ЁНДАШУВИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of Doctor of Philosophy (PhD) dissertation

Гайбуллаев Элбек Азизбекович

Чекувчиларда оғиз бошлиғи шиллиқ пардаси касалликларини
ташҳислаш ва даволашнинг янгича ёндашуви..... 3

Гайбуллаев Элбек Азизбекович

Новые подходы к диагностике и
лечению заболеваний слизистой оболочки
полости рта у курильщиков..... 23

Gaybullayev Elbek Azizbekovich

New approaches to the diagnostics and
treatment of mucous membranes diseases
of the oral cavity of smokers..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ҒАЙБУЛЛАЕВ ЭЛБЕК АЗИЗБЕКОВИЧ

**ЧЕКУВЧИЛАРДА ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ШИЛЛИҚ ПАРДАСИ
КАСАЛЛИКЛАРИНИ ТАШҲИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИНГ ЯНГИЧА
ЁНДАШУВИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib362 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент Давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) www.tsd.uz веб-саҳифаси ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гулямов Суръат Саидвалиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлари:

Супиев Турган Курбанович (Қозоғистон)
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Боймурадов Шухрат Абдужалилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

И. И. Мечников номидаги Шимолий-Ғарбий давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, г.Тошкент, Яшнабод тумани, Махтумқули кўчаси, 103 уй. Тел /факс: (99871)-230-20-65; e-mail: tdsi2016@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, г.Тошкент, Яшнабод тумани, Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел/факс: +99871-230-20-65.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А.Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори

Л.Э.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х. И. Ирсадиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда стоматологиянинг долзарб масалаларидан бири оғиз бўшлиғи шиллик пардаси касалликларига эга беморларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш йўллари танлаш ҳисобланади. Улар ўзига хос этиология ва патогенез, ривожланиш эҳтимоли, трансформацияси ва малигнизацияси туфайли стоматологик касалликлар ичида алоҳида ўрин эгаллайди. Оғиз бўшлиғи шиллик пардасининг саратон олди касалликларини ташхислаш ва даволаш муаммолари алоҳида қизиқиш ва эътиборга лойиқ, бу, биринчи навбатда, уларнинг кенг тарқалганлиги «оғиз бўшлиғининг барча касалликларидан 12,5% ва барча янги ҳосилалардан 26,6%»¹, беморларни даволаш ва уни олиб бориш усуллари танлашдаги маълум қийинчиликлар билан боғлиқ. ОБЛ (оғиз бўшлиғи лейкоплакияси) беморларини комплексли даволаш усуллари вирулент инфекциялар концентрациясини камайтириш, яллиғланиш реакциясининг олдини олиш, операциядан сўнг яра томонидан йирингли-септик кескинлашувлар ривожланишининг олдини олиш, яра сирти эпителизация муддатларини тезлаштиришда фотодинамик терапиядан фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолаш муаммонинг долзарблиги ва заруриятини белгилайди.

Жаҳонда чекувчиларда оғиз бўшлиғи шиллик пардаси касалликларини ташхислаш ва даволашнинг янгича ёндашувини яратиш, янгича ёндашувлар самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада чекувчиларда оғиз бўшлиғининг клиник ҳолатини эндоген ва экзоген омилларни, оғиз бўшлиғи шиллик пардасида лейкоплакияси ўчоғидаги яллиғланиш ҳолатлари, атипик ҳужайралар ва уларнинг малигнизация даражасини аниқлаш мақсадида гистологик текширувлар тизимини асослаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Турли даражадаги оғиз бўшлиғи лейкоплакияси шаклларига эга беморларни консерватив даволаш тартибининг самарадорлигининг клиник-морфологик баҳолаш, оғиз бўшлиғи лейкоплакиясининг турли клиник шаклларига эга беморларни даволашнинг анъанавий ва таклиф этилган СО₂ лазер ҳамда фотодинамик даволаш усуллари қўллашнинг клиник самарадорлигини қиёсий таққослаш, оғиз бўшлиғи лейкоплакиясини ташхислаш ва самарали даволаш тартибига янгича ёндашув тизимини яратиш, касаллик тарқалишини олдини олишга қаратилган фотодинамик лазер нурлантириш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар механизмининг такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида, хусусан, аҳолининг турли қатламлари орасида оғиз бўшлиғи касалликларига эрта ташхис қўйиш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

¹Вагнер В.Д., 2002; Долгопягова Е.В., 2004.

Харакатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш...»²² бириламчи тизимда беморларга кўрсатилаётган стоматологик тиббий хизматни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқиш ва бажариш бугунги кунда ечимини кутаётган долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2014 йил 1 августдаги ПҚ–2221-сон «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича 2014–2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасининг касалликларини кенг тарқалиши ва ортиши катта ижтимоий муаммони ўзида намоён этади (Данилевский Н. Ф. ва бошқ., 2010; Рабинович О. Ф. ва ҳаммуал., 2014; Yoshimura Y., et al., 2006); Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати янги ҳосилаларнинг таҳлили қатор берилувчан омилларга боғлиқлиги исботланган (Банченко Г. В. ва ҳаммуал., 2005). Бемор учрайдиган касбий зарарларни билиш кўпинча у ёки бошқа ОБШҚ га мойилликни намоён қилиш имконини беради (кимёвий ишлаб чиқариш, иссиқ цехлар, чангли хоналарда ишлаш, доимий очик ҳавода, паст ҳароратда, нам ҳавода бўлиш, хаддан ортиқ инсоляциянинг таъсири асосланган (Островский А. Д., 2014). Оғиз бўшлиғи ва лабларнинг саратон олди зарарланишида зарарли одатлар катта аҳамиятга эга: чекиш, алкоголь, иссиқ ва аччиқ овқатни меъеридан ортиқ истеъмол қилиш, беморни ўрганишда ирсиятни ҳисобга олиш лозим.

Жаҳонда тамаки чекиш ўзининг анатом-топографик хослиғи туфайли, аввало оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси ва лабларга салбий таъсир қилади. Муаллифлар оғиз бўшлиғи патологиялари ривожланишининг хавфли омилларидан бири сифатида чекувчиларда патологиянинг тарқалганлиги ва чекишни ўрни кўрсатилган (Токмакова С. И., Луницына Ю. В., 2012). Маълумки, Осиёда лейкоплакия чекиш билан бирга тушунилади, шунингдек

²²2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси.

оғиз бўшлиғида саратон олди касалликларининг ривожланишига синергик таъсир кўрсатади (Chung C. H. et al, 2005).

Ўзбекистонда баъзи муаллифларнинг фикрича, оғиз бўшлиғининг ёмон гигиенаси, лейкопластик зарарланишлар бўлиши оғиз бўшлиғида янги ҳосилалар ривожланишига олиб келувчи омил сифатида таъсир қилиши мумкин. (Камилов Х. П., 2004). Чекувчиларда оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари, уларнинг ташхиси, профилактикаси ва даволаш усулларини ўрганишга бағишланган кўп сонли ишларга қарамасдан, ушбу патологиянинг ўсиш тенденцияси сақланмоқда, шу туфайли янги патогенетик механизмларни ифодалаш асосида тамаки чекувчиларда лейкоплакиянинг профилактикаси ва уни самарали даволаш усулларини такомиллаштириш долзарб муаммолардан биридир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011400198 «Тиш пародонт ва оғиз бўшлиғининг шиллик пардаси патологияларини профилактика қилиш, ташхис қўйиш, даволашнинг янги усулларини яратиш ва тадбиқ қилиш» мавзуси доирасида бажарилган (2015-2019 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади оғиз бўшлиғи шиллик пардаси лейкоплакиясини тизимли даволаш тартибини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чекувчиларда оғиз бўшлиғининг клиник ҳолатини баҳолаш;

оғиз бўшлиғи шиллик пардасида лейкоплакияси ўчоғидаги яллиғланиш ходисалари, атипик ҳужайралар ва атипик ҳужайраларнинг малигнизация даражасини аниқлаш мақсадида гистологик текширув ўтказиш;

турли даражадаги оғиз бўшлиғи лейкоплакияси шаклларига эга беморларни консерватив даволаш самарадорлигининг клиник-морфологик баҳолашни амалга ошириш;

оғиз бўшлиғи лейкоплакиясининг турли клиник шаклларига эга беморларни даволашнинг анъанавий ва таклиф этилган CO₂ лазер ҳамда фотодинамик даволаш усулларни қўллашнинг клиник самарадорлигини киёсий таққослаш;

олинган маълумотлар асосида оғиз бўшлиғи лейкоплакиясини ташхислаш қўйиш ва уни даволашга самарали янги ёндашуви тизимини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент давлат стоматология институти клиникасининг терапевтик стоматология бўлимида оғиз бўшлиғи лейкоплакиясининг турли шакллари билан хасталанган 21 дан 84 ёшгача бўлган 84 нафар чекувчи беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб илмий-тадқиқотлар асосида чекувчиларда оғиз бўшлиғи шиллик пардаси касаликларини ташхислаш ва даволашнинг янгича ёндашуви таъминлаш асосида шиллик қават, лейкоплакия ўчоқларнинг турли ўлчамлари, ранги, тўқималарнинг морфологик кўрсаткичларини баҳолаш ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, оғиз ичи фото ташхиси, морфологик ва статистик усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагидан иборат:

оғиз бўшлиғи лейкоплакия ўчоғини зарарланиш чуқурлигига гистологик асосланиб, CO₂ лазери билан олиб ташлаш ва вужудга келган жароҳатни фотодинамик даволаш билан нурлантириш тартиблари, касалликни тўлиқ тикланишига, иккиламчи асоратларни олдини олишига, реабилитация босқичларини қисқартирилишига олиб келганлиги исботланган;

касалликнинг ҳар бир шакли ва оғирлик даражасида лазер нурларининг кучланиш миқдори белгиланган ва шунинг асосида даволаш тактикаси такомиллаштирилган ва морфологик ҳамда оғиз бўшлиғи гигиеник индекс кўрсаткичлари билан асослаб берилган;

оғиз бўшлиғи лейкоплакиясида хужайралар дисплазияси, атипик хужайралар ва уларни малигнизацияси каби белгиларни ташхислаш такомиллаштирилган ва даволаш самарадорлигини ошириш, саратон олди касалликларини хафли трансформациясини олдини олиши, дастлабки ва узоқ муддатли текширув натижалари билан асосланган;

оғиз бўшлиғи шиллик пардасининг функционал ҳолати, регенератив-эпителизация жараёнлари ва ремиссия даврининг узайиши, фотодинамик даволаш тизимининг лейкоплакия жараёнига патогенетик ижобий таъсир этиши билан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагидан иборат:

нос ва тамаки чекувчиларда оғиз бўшлиғи шиллик пардаси лейкоплакияси ташхислаш имконини берган;

касалликка эрта ташхис қўйиш, унинг ривожланишини башорат қилиш, хавфли шаклланишини самарали даволаш тизимини такомиллаштириш имконини берган;

ташхис қўйиш ва даволашнинг таклиф қилинган янги тизими, даволашнинг самарасини ошириш ва иқтисодий харажатларни камайтириш имконини берган;

оғиз бўшлиғи шиллик пардаси лейкоплакияси асоратларини камайтириш ва олдини олиш тартиби ишлаб чиқилган ва бу узоқ муддатли ремиссиясини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник, оғиз ичи фото ташхиси, морфологик ва статистик усуллари асосланилганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, чекувчиларда оғиз бўшлиғи шиллик пардаси касалликларини ташхислаш ва даволашнинг янги ёндашуви тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оғиз бўшлиғи шиллик қавати

касалликларининг патогенетик, клиник, морфологик баҳоланиши аниқланганлиги, шунингдек мавзу бўйича илмий тадқиқотларнинг услубий асослари мукамаллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ташхис қўйиш ва даволашнинг таклиф қилинган янги ёндошув асосида чекувчиларда оғиз бўшлиғи шиллик қавати саратон олди касалликларининг оқибатлари пасайганлиги, даволанган беморларда ҳаёт сифати яхшиланганлигидан иборат. Бундан ташқари, тадқиқот натижалари тиббиёт институтлари талабалари мустақил таълимида, маърузалар ўқиш, стоматология фани бўйича амалий машғулотлар ўтказиш учун янги манба сифатида қўллаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чекувчиларда оғиз бўшлиғи шиллик пардаси касаликларини ташхислаш ва даволашнинг янгича ёндашуви бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Оғиз бўшлиғи лейкоплакиясига ташхис қўйиш ва уни даволаш алгоритми» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 3 апрелдаги 8н/69-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма умумий амалиёт шифокорига оғиз бўшлиғи лейкоплакиясини турли оғирлик даражалари ва шаклларида лазер технологиялари билан самарали даволашни тизимини қўллаш имконини берган;

«Чекувчиларда оғиз бўшлиғи лейкоплакиясини даволашнинг самарадорлигини ошириш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 3 апрелдаги 8н/69-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма стоматолог шифокорларга оғиз бўшлиғи лейкоплакиясини келиб чиқиш сабаблари, эрта ташхислаш, самарали даволаш ва касалликни оғирлашувида огоҳлантириш имконини берган;

Чекувчиларда оғиз бўшлиғи шиллик пардаси касаликларини ташхислаш ва даволашнинг янгича ёндашувини такомиллаштириш қаратилган илмий-тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг стоматология поликлиникаси, Тошкент шаҳар 1-сон стоматология, Самарқанд шаҳар 1-сон стоматология, Бухоро давлат тиббиёт институти стоматология поликлиникалари клиник амалиётига татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 29 мартдаги 8н-д/27-сон маълумотномаси). бўйича олинган чора-тадбирлар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳар 1-сон стоматология поликлиникаси, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Стоматология поликлиникаси, Самарқанд шаҳар 1-сон стоматология поликлиникаси, Бухоро давлат тиббиёт институти стоматология поликлиникасининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 3 апрелдаги 8н-д/69-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши беморларнинг амбулатор қатновлари сонини 80% гача қисқартиришга, рақ олди касаллиги-лейкоплакиясини қиска муддатда бартараф этишга, беморларни ижтимоий ҳаётга қайтариш муддатларини қисқартиришга эришилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, объекти ва предмети характерланган, тадқиқотнинг республикада фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналиши билан мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ қилинганлиги намоён қилинган, ишлар оммалаштирилган ва диссертация таркиби бўйича хулосалар келтирилган.

Диссертациянинг **«Оғиз бўшлиғи шиллик пардаси лейкоплакиясининг эпидемиологияси, этиология ва патогенези, синфланиши, клиник-морфологик характеристикаси ва уни давланишнинг замонавий талқини»** биринчи бобида адабиётлар таҳлили келтирилган. Таҳлилда оғиз бўшлиғи шиллик пардасининг эпидемиологияси, этиологияси ва патогенези ҳамда клиник-морфологик ўзгаришлар ҳақида замонавий маълумотлар кўриб чиқилган, шунингдек оғиз бўшлиғи шиллик пардаси лейкоплакиясининг профилактикаси ва уни даволаш масалалари акс эттирилган.

Диссертациянинг **«Чекувчилар ўртасида оғиз бўшлиғи шиллик пардасининг лейкоплакиясига эга беморларни ўрганишнинг умумий клиник материал ва усуллари»** иккинчи бобида махсус тузилган индивидуал харита ёрдамида 21 ёшдан 84 ёшгача бўлган 84 нафар бемор сўров ва кўрикдан ўтган. Барча беморларда клиник-морфологик ва ускунавий текширув ўтказилди, ОБШҚ эпителийсини гистологик ўрганиш учун патологик ўчоқлардан керакли биоптат ва материал олинди.

Касаллик ривожланишининг асосий патогенетик механизмлари ўзига хослигини белгилаш учун оғиз бўшлиғи шиллик пардаси лейкоплакияси ривожланишининг стоматологик, морфологик механизмлари, клиник аломатларининг солиштирма таҳлили амалга оширилган.

Даволаш маҳсулдорлигини аниқлаш учун даволаш ва даволашдан кейинги муддатда касаллик ривожланишининг асосий патогенетик механизмларининг ҳолати клиник самарадорлигининг солиштирма таҳлили ўтказилган.

Асосий ва назорат гуруҳидаги беморларни даволашда касаллик муддати, клиник намоён бўлишларининг ифодаланганлик даражаси, бирга кузатилувчи патология борлиги, оғирлаштирувчи омиллар (чекиш, алкоголь истеъмол қилиш, иссиқ ва аччиқ овқат қабул қилиш, нос чекиш) ҳисобга олинган.

Таққосланадиган ёшдаги лейкоплакия касаллигига эга 42 нафар беморда тадқиқот ўтказилган ва даволанган, улардан 16 нафар эркак, 26 нафар аёл назорат гуруҳини ташкил этди. Назорат гуруҳининг беморлари анъанавий даво чораси ўтказилган.

Асосий гуруҳ беморларида (n=42) ўз ичига CO₂ кесиш ва фотодинамик даволаш усулини биргаликда умумий ва маҳаллий таъсирдаги препаратлар тайинланишини билан комплекс даволаш ўтказилган.

Клиник ўрганиш бемор ҳаёт анамнезининг тўпланиши, зарарли одатлар борлиги (чекиш, иссиқ, ўткир овқат ва алкоголь қабул қилиш), касаллик муддатини аниқлаш, бирга кузатиладиган соматик патология борлиги, олдин даволанганлигини аниқланиши, беморлар шикоятлари намоён қилиш (ёқимсиз ҳислар, оғрик, ачишиш), шунингдек зарарланиш ўчоғининг ўлчами ва унинг жойлашуви аниқланишидан иборат.

Гистологик тадқиқотлар ўз усуллари бўйича цитологик усулга яқин туради. Тўқималардан биопсия олиниши, кенгайган биопсия йўли билан амалга оширилади. Морфологик материал хужайранинг тузилиш элементларини кейинчалик бўяш билан белгилашдан сўнг юпка ва ультраюпка кесимлар усули билан олинади.

Биопсия скалпел, турли тузилишдаги ниналар ва трепанодиссекторлар билан асептика ва антисептика қодаларига риоя қилиб, маҳаллий оғриксизлантириш остида бажарилди. Бемор розилиги билан, олинган биоптат нафақат кесилган қисмни, балки клиник нормал тўқимани ҳам ўз ичига олди.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили вариация статистикаси усуллари ёрдамида ўтказилган. Ўртачалар фарқининг ишончилиги (95%) ишонч интервалида (P<0,05) Студент мезони асосида баҳоланган.

Диссертациянинг «**Оғиз бўшлиғи шиллик пардаси лейкоплакияси билин оғриган беморларнинг клиник-лаборатор тадқиқоти натижалари**» учинчи бобида ўрганилган касаллардаги материаллар тақдим қилинган. Оғиз бўшлиғининг шиллик пардаси касалликлари тузилишида лейкоплакия касалликларининг давомийлиги кўпчилик беморларда (69,2%) 2 дан 5 йилгача ташкил этди. Касалликнинг қисқа муддатли анамнези, 1 ойдан 1 йилгача, (30,7%) беморларда кузатилди, бу эҳтимол беморларнинг онкологик эҳтиёткорлиги билан боғлиқ. Қатор ҳолатларда ОБЛ шифокорнинг профилактик кўриги вақтида тасодифан аниқланган.

ОБШҚ патологиясига эга барча беморлар А.И.Машкилейсон таклиф қилган синфланишга кўра бўлинди. Бизнинг тадқиқотда лейкоплакиянинг ясси шакли барча кузатувларнинг умумий сонидан 43 нафар беморда (51,1%) кузатилди. Клиник сурат жараён жойлашувига боғлиқ равишда бир мунча ўзгарди. Ясси лейкоплакия кўп учрайдиган жой, тепа ва пастки тишларни

жипсланиш тизиғи буйича ва оғизнинг бурчаги шиллик пардаси юзаси бўлди. Лейкоплакиянинг ушбу шаклида клиник яллиғланиш реакцияси деярли бўлмади. Шиллер-Писарёв синамаси салбий (сомон ранга бўялди). Тил белида ясси лейкоплакия ўчоғи соғлом шиллик пардадан аниқ чегараланган кулранг-оқ дағал доғ кўринишига эга бўлган, ушбу соҳада ипсимон ғуддалар кузатилмаган. Пастки лабнинг қизил ҳошиясида жойлашганда лейкоплакиянинг ясси шакли қирганда кетмайдиган ляпис билан куйган қисмларни ёдга солувчи аниқ нотўғри шаклга эга юпка қават кўринишига эга бўлди.

Кузатувимиз остида тошма шаклига эга (11,1%) 9 нафар бемор ва ОБЛ нинг сўгал шаклига эга (13,1%) 11 нафар бемор бўлди. Лейкоплакиянинг веррукоз шаклининг ясси шаклида фарқли, қирралари ўраб турган тўқима устида гиперкератознинг ифодаланган қисмлари ва сут рангда бўлиши ҳисобланади. Веррукоз лейкоплакиянинг сўгалли шакли ўраб турган шиллик пардадан 1,5-2,0 мм кўтарилиб турувчи зич ғадир-будир ҳосилалар билан характерланди. Оғиз ичи камераси билан кўриқдан ўтказилганда (яхши ёритилганда) ҳосилалар кулранг-оқ ёки сут ранга эга бўлган, бу эпителийнинг дағаллашув жараёни кучайганлиги билан тушунтирилади.

Оғиз бўшлиғи шиллик пардасининг сўгалли ўзгаришлари кўпинча кучли спиртли ичимликлар, нос, тамакини узоқ вақт истеъмол қилган беморларда ўз ўрнига эга бўлди. Ушбу ҳолатларда оқиш рангдаги зарарланиш ўчоқлари лунж шиллик пардаси, оғиз бурчаги, тил белида жойлашган. Зич ғадир-будир ҳосилалар ёки сўгалли ўсимталар оғиз бўшлиғи шиллик пардаси юзасидан юқорида жойлашган. Гистологик тадқиқотда гиперкератоз ва акантоз ҳисобига эпителийнинг ифодаланган қалинлашуви кузатилади. Эпителиал чизиқлар мос келувчи бириктирувчи тўқимага киради. Шиллер-Писарёв синамаси суст-давом этувчан (ёрқин-жигарран ранга бўялди).

Кузатувимиз остида лейкоплакиянинг эрозив шаклига эга 21 (25%) нафар бемор бўлди. Лейкоплакиянинг эрозив шакли ясси ва веррукоз лейкоплакиянинг ўчоғи негизида кичик ёки якка полигонал шакл эрозиялар билан характерланади. Эрозия ёки ёриққа эга, тузалмайдиган шиллик парда гиперкератоз қисмлари кузатилди. Гистологик гиперкератоз ва паракератоз ўчоқларида оғиз бўшлиғи шиллик пардасининг бутунлиги бузилиши кузатилади. Шиллер-Писарёв синови ижобий (ўчоқнинг тим-жигарранга бўялиши кузатилди).

1-жадвалдан кўришиб турибдики, ОБЛ нинг ясси шакли эрозив-яра шаклидан (25%) кўра кўпроқ (51,2%) ва веррукоз шаклидан камроқ ифодаланади. Аёллар (52,4%) ва эркакларда (47,6%) бир хил кўп учрайди. 50 ёшдан катта ёшли гуруҳларда касалликнинг ўсиш тенденцияси кузатилади. Лейкоплакия касаллиги билан оғриган беморларда стоматологик ҳолатининг ўтказилган таҳлили 22 (26,2%) нафар беморда ОБШҚ жароҳатига олиб келувчи ва патологик жараён кечувини оғирлаштирувчи кариоз ва бузилган тишлар борлигини кўрсатди. Кўпчилик беморларда оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолати қониқарсиз бўлган.

1- жадвал

Лейкоплакия касаллигига эга бўлган беморларни клиник шакли, ёши ва жинси бўйича тақсимлаш (n=84)

Клиник шакллари	Беморлар сони		Жинси		Беморларнинг ёши, йилларда			
	Абсолют қиймат	%	Эркаклар	Аёллар	21-40	41-50	51-60	>60
Ясси шакли	43	51,2	19	24	16	5	9	13
Веррукоз тошма шакли	9	10,7	4	5	4	2	0	3
Веррукоз сўгалли шакли	11	13,1	7	4	4	0	4	3
Эрозив-яра шакли	21	25,0	10	11	5	2	9	5
Жами	84	100	40	44	29	9	22	24
		%	47,6 %	52,4 %	34,5%	10,7%	26,2%	28,6%


Даволашдан олдин ва кейин оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолатини тўғри баҳолаш учун икки кўрсаткичдан келиб чиққан гигиенанинг соддалаштирилган индексидан (ОНИ-S) фойдаландик: тиш тошмаси (DI-S) кўрсаткичи ва тиш тоши (CI-S) кўрсаткичи. Унинг қиймати меъёрдан тахминан 3,5 марта ($P < 0,001$) ортиқ бўлиши гигиенанинг ёмон даражаси ҳақида билдирмоқда. Шу билан бирга 68 (80,9%) нафар беморда тиш пастасининг лейкоплакия ўчоғига тушишида суст қичишиш ва давомий оғриқлар кузатилди, 34 (65,3%) нафар беморда анамнездан ёмон гигиена овқатланиш характери билан боғлиқлиги ва улар доим овқат қабул қилишдан сўнг гигиеник тадбирлар амалга ошириш имкониятига эга бўлмаганлиги аниқланди. Қолган 12 (14,2%) нафар бемор сўзларидан улар доимий равишда тиш тозалашлари белгиланди. Пломба ва протезларни алмаштиришга 5 (9,6%) бемор мухтож бўлди (уларда галваник тоқларнинг юқори кўрсаткичлари аниқланди). Шиллер-Писарев синови лейкоплакиянинг веррукоз ва, айниқса, эрозив шаклига эга гуруҳда ижобий бўлди, тим-жигаранг ранга бўялиш ОБЛ нинг эрозив шаклига эга гуруҳда кўп кузатилди.

Иссиқ ва аччиқ овқат қабул қиладиган, шунингдек ёмон одатларга эга (чекиш, алкоголь қабул қилиш) беморлар мос равишда 84 (100%) нафар ни ташкил этди.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари лейкоплакиянинг турли шакллари ягона жараённинг босқичлари ҳисобланишини айтиш мумкин, уни юзага


келтирувчи омилларнинг ўз вақтида бартараф этилиши (кучли кариесга эга тишларни олиб ташлаш, сифатсиз пломбаларнинг алмаштирилиши, бир жинсли металлдан бўлган протезларни индифферент материалдан бўлган протезларга алмаштириш, шунингдек сигарет ва тамаки, нос чекишдан, иссиқ, аччиқ овқат қабул қилишдан воз кечиш) ушбу касаллик ривожланишининг олдини олиши мумкин, лекин беморни даволай олмайди, шунинг учун бу патологияга ташхис қўйиш ва уни даволашнинг замонавий усуллари кидириш лозим.

ОБШҚ лейкоплакиясида шиллиқ парда биоптатларининг морфологик тадқиқотлари кўп қатламли ясси эпителийда турли зарарловчи агентларнинг сурункали таъсири натижасида сиртки гиперкератоз шаклланишини кўрсатди. Бу ўзгаришлар эпителийнинг базал, парабазал ёки юқори сиртки қатламларда кузатилади (1,2 расм).



1-расм. Кўп қаватли ясси эпителийнинг ифодаланган гиперкератози, базал қатлам хужайралари норавон жойлашувига эга акантоз, қатламлар сони ошган (ясси лейкоплакия).

Бўялиши: гематоксин ва эозин билан. кат. х10, ок. х 10




2-расм. Ўтиш бурмаси лейкоплакиясининг эрозив-ярали шакли. Эпителий нуқсони, эпителиал ўсимталар узайиши билан ифодаланган акантоз, экзоцитоз кузатилади. Стромада плазмоцитлар аралашмаси билан лимфоцитлардан ташкил топган ўткир яллиғланиш инфильтратсияси

Бўялиши: гематоксин ва эозин билан. кат. х10, ок. х10


Шиллиқ парда лейкоплакияси ашаддий чекувчилар учун хос. Лейкоплакия ва тамаки чекиш ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик исботланмаган, бу носнинг зарарли маҳсулоти бўлиш эҳтимоли юқори. Проллифератив-сўғалли лейкоплакия (ПСЛ) сифатида маълум лейкоплакиянинг ўзига хос шакли, шунингдек тамаки истеъмоли билан боғлиқ бўлиши мумкин. 1/3 га яқин ПСЛ ашаддий чекувчиларда кузатилган. ПСЛ лейкоплакиянинг ясси сўғалсиз шаклидан кўра кўпроқ салбий сифатга эга бўлиш хавфига эга.

Шиллиқ парда зарарланишининг юқори ва норавон ташқи кўриниши кузатилади. Шунингдек тилда баъзи соҳалар қора пигментланишга эга.

Проллифератив сўғалли лейкоплакия шунингдек ашаддий чекувчиларнинг тил ости соҳасида фарқ қилади. Зарарланишнинг ташқи кўриниши пролиферирланган - эпителий ўсимталари ОБШҚ сиртидан бўртиб чиқади.



3- расм. Нос чекувчи бемор сурати. Тил ости соҳасида патологик ўзгаришлар



4- расм. Оғиз бўшлиғи тубининг лейкоплакияси. Нос чекувчи (20 йилдан ортиқ)

Гиперкератоз лейкоплакиянинг морфологик аломати, яъни эпителий мугуз қатламининг (ортокератин) ўта қалинлашуви аниқланди. Гарчи шиллик парда бир қисмининг ортокератин қатлами нормал бўлсада, шиллик парда бошқа қисмидаги шундай қалинликдаги қатлам меъерий бўлмаган катталашув сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Паракератоз ортокератоздан кератив қатлам ҳужайраларида ядро ёки ядро қолдиқлари борлиги билан фарқ қилади. Бу шунингдек шиллик парданинг баъзи қисмлари учун нормал ҳолат. У одатда кузатилмайдиган соҳаларда паракератин бўлиши ёки паракератин қатламнинг қалинлашуви гиперпаракератоз сифатида кўриб чиқилади. Ортокератоз ва паракератоз кесишувчи ҳудудларининг борлиги оғиз бўшлиғи шиллик пардасига хос суратни намоён этади. Заррали қатлам бўлиши фақат ортокератин ҳосил бўлиши билан боғлиқлиги белгиланган. Заррали қатлам кўпинча гиперортокератозда қалинлашган, лекин ҳатто кучли гиперпаракератозда ҳам камдан-кам кўринади.

Тиканли ҳужайралар қатламининг қалинлашуви акантоз сифатида кўриб чиқилади - бу эпителий ғудачаларининг ифодаланган узайиши, қалинлашиши, силликланиши ва бирлашиши ёки фақат уларнинг узайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. акантоз гипер- ва паракератоз билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Эпителий дисплазиясини белгилаш учун кўп сонли мезонлар мавжуд ва картсином –*in situ* намоён қилиши мумин бўлган сушт, ўрта ва кучли дисплазияни белгилаш учун доим ҳам мезонлар бўлмайди.

Эпителиал диспказияни ташхислаш учун фойдаланиладиган мезонлар: митозлар сонининг ортиши ва айниқса аномал митозлар пайдо бўлиши; ҳужайраларнинг индивидуал кератинизацияси; эпителиал қатлам ичида эпителиал маржонлар бўлиши; ядро-ситоплазматик нисбатда ўзгаришлар; ҳужайраларнинг қутбилиги ва йўналиши йўқолиши; ҳужайралар

гиперхроматизми; катта гиперхром ядролар; дискариоз, ядроли атипизм ва улкан ядролар; пойкилокариоз ёки цитоплазма бўлинмасдан ядро бўлиниши; базиляр карцинома ин ситу ёки интерэпителиал карцинома.

2- жадвал

Ўрганилган беморларда жараённинг жойлашуви (n=84)

	лунж	тил учи	тил таги	оғиз бўшлиғи туби	лаб	милк
абсолют	23	4	22	12	16	7
%	27,4	4,8	26,2	14,3	19,0	8,3

Тадқиқотимиз маълумотлари бўйича ОБЛ нинг кўп пайдо бўладиган худуди тил ўрта қисмиг шиллиқ пардаси ва ортки тарафи (24,2%), оғиз бўшлиғи туби (14,3%), тил учи (4,8%), лаб (кўпроқ пастки) (19,0%), милклар (8,3%), юз - 17,7% ҳисобланади (2- жадвал).

Даволаш бошлангунча ташхиснинг гистологик верификацияси билан комплекс текширув ўтказилди. Кўпчилик беморларда дисплазия аломатларисиз ОБЛ ифодаланган, 4 ҳолатда 1 даражали дисплазияси аниқланди. Патоген микроблар оғиз бўшлиғи контаминацияси аломатлари (87%) беморда ифодаланган, улардан замбруғ флораси (43%) ида белгиланган. Шиллиқ парданинг механик зарарланиш омили ва тишларни тўғрилаш зарурияти (71%) текширилган беморларда аниқланган.

ОБЛга ташхис қўйишнинг янги ёндошинуви яратилди

Д-1	Маълумотлар биринчи мурожаатда аниқланган: оғиз ичи камераси орқали кўрик, палпация, дастлабки клиник ташхис
Д-2	Салбий натижада олинган натижалар: маҳаллий жарохат (механик) омиллари, 2-4 хафта давомида ёки қандайдир этиологик омиллар бўлмаганида якуний клиник ташхис
Д-3	Д-2 каби, лекин цитологик таҳлилининг маълумотлари билан тўлдирилади(малигнизация белгиларини аниқлаш мақсадида) - якуний цитолгик ташхис
Д-4	Гистологик ташхисларнинг натижалари - якуний гистологик ташхис

Даволаш тактикаси биз ишлаб чиққан алгоритмлар бўйича олиб борилди. ОБЛ нинг барча сабаб омиллари, шунингдек шиллиқ парда зарарланишлари корреляция қилинди. Беморлар тамаки истеъмол қилишдан тийилиши ва тегишли оғиз бўшлиғи гигиенасини ўтказиши ва оғиз бўшлиғи

шиллик пардасини кўзғатмайдиган овқатланиш режимига риоя қилиш зарурлиги тўғрисида огоҳлантирилди.

Диссертациянинг «**Оғиз бўшлиғи лейкоплакиясининг оғриган беморларни даволаш натижалари**» тўртинчи бобида тамаки маҳсулотларини қабул қилувчи солиштирма беморлар гуруҳида кузатувлар ўтказилган.

Оғиз бўшлиғи шиллик қавати лейкоплакиясига эга беморларнинг даволаниши ва уларни динамик кузатиш Тошкент давлат стоматология институтининг терапевтик стоматология поликлиникасида ҳамда болалар терапевтик стоматологияси кафедрасида амалга оширилган.

Барча кузатилган беморлар 2 гуруҳга бўлинди. Назорат гуруҳи оғиз бўшлиғи санацияси, маҳаллий ва умумий таъсирга эга кератопластик препаратларнинг қўлланилишини ўз ичига олувчи анъанавий комплекс даволаш ўтказилган 42 нафар бемордан ташкил топган.

Асосий гуруҳда эса 42 нафар беморда CO₂ лазер ҳамда фотодинамик даволаш усулидан фойдаланиб комплекс даволаш ўтказилган.

Кўриқдан ўтган беморларда шиллик парда зарарланишларининг ўлчамлари ўртача 1 см² ни (диаметри 0,5 дан 4 см гача) ташкил этди. 4 см² дан ортиқ ўлчамдаги зарарланишлар 7 ҳолатда кузатилди. Лунж ва лабда жойлашган (6,2±2,16 см²) ОБЛ ўчоқлари милк ва тилда бўлган (1,5±0,8 см²) зарарланишларга нисбатан йирикроқ бўлди. Нос чекувчи шахсларда лунж ва лабларда зарарланишлар кам бўлиб (4,8±2,42 см²), бу вақтда ўлчами ва чуқурлиги сигарет чекувчи шахслардагидан катта бўлган пастки жағ ва оғиз бўшлиғи туби шиллик пардасининг зарарланиши кузатилди. Лейкоплакиянинг турли шаклларига эга бўлган асосий ва назорат гуруҳининг барча беморларига анъанавий тарзда қуйидагилар ўтказилди: оғиз бўшлиғи санацияси (юмшоқ тиш зарарланишларининг олиниши; милк усти ва милк ости тиш ажралмаларининг олиниши; эски ва амалгам пломбаларнинг алмаштирилиши; кейинчалик даволаш ва қайта тиклашга яроқсиз тишларнинг олиб ташланиши; тишларнинг ўткир четларини силлиқлаш, шунингдек замонавий материаллардан фойдаланиб тўғри протезлаш, металлларни олиб ташлаш); диетотерапия (ўткир, иссиқ, шўр, нордон овқат қабул қилишни чеклаш); зарурият бўлганида мос келувчи даволашни тайинлайдиган шифокор-мутахассисларнинг маслаҳати (кардиолог, гастроэнтеролог, пульмонолог, аллерголог, терапевт); антисептик чайиш (хлоргексидиннинг тайёр 0,02% эритмаси); «а» ва «е» витаминларни перорал тайинлаш; бир ой давомида кунига 1,0 г дан С витамини; зарарланиш соҳасида аппликация учун кератопластика (пахтали тампонларда кунжут мойи); маҳаллий ва умумий даволаш учун кандидозга қарши даволаш.

Барча беморларга клиник манзарани ўзгариши, ремиссия давомийлиги ва рецидивлар частотаси ва тадқиқотнинг лаборатор текширув натижалари маълумотларини ўрганиш асосида терапиянинг маҳсулдорлиги баҳоланди.

Назорат гуруҳи беморлари анъанавий даволанишдан сўнг оғиз бўшлиғида тортилиш ва ноқулайлик ҳисси камайганлиги қайд этдилар (89%). Беморлар ўтказилган даволаш курсидан сўнг зарарланиш ўчоғи камайганлигини сезишмади (100%). Лейкоплакиянинг веррукоз ва эрозив шаклларига эга беморда зарарланиш майдонининг камайганлиги, ноқулайлик, оғиз бўшлиғида оғрик

ҳиссининг камайганлигини (41%) да кузатилмади, зарарланиш ўчоғининг сезилмас “силликланиши” (32%) ҳолатда кузатилди (5-расм).

Асосий гуруҳ ОБЛ га эга беморларда (n =42), шиллик ости қатламга инвазив ўсиш билан ясси эпителийнинг атипик ҳужайралар комплекси гистологик кузатилди. Ҳужайранинг ўзгаришлари тўқимада пролифератив ва диспластик жараёнларнинг ўсишининг гистологик аломатларига эга бўлди, бу ушбу касаллик кечувини оғирлаштирди.

Асосий гуруҳ беморларига (n=42) ўз ичига лазер таъсир ва фотодинамик даволаш усули ҳамда умумий ва маҳаллий таъсир қилувчи препаратларнинг тайинланишини олган комплекс даволаш ўтказилди.

Патологик ўчоқларнинг деструкцияси кўринишида лазерли таъсир чиқиш қуввати 25 Вт гача бўлган СО-2 лазер “Скалпел” ёрдамида амалга оширилди.

Лазер деструкция 10 Вт қувватгача мўътадил фокусланган режимда амалга оширилди. Таъсир кўрсатиш майдони перифериядан марказга сканерловчи режимда 0,3 см гача. Деструкция ОБШҚ зарарланиш майдонига қараб маҳаллий инфилтрация ёки регионал анестезия остида ўтказилди.

Даволаш усули эрозив-ярали зарарланиш ўчоғини юқори энергетик СО₂ лазер билан куйдириб олиб ташлашдан иборат иборат. Сўнг кейинги кун ва хар 7 кунда фотосенсибилизатордан фойдаланиб фотодинамик терапияни амалга оширишди (сканерлайдиган режимда метилен кукидан фойдаланилди). Тўқималар регенерациясига қараб 3 - 4 сеансгача фотодинамик даволаш усули тайинланди.

Зарарланиш ўчоқларининг фотодинамик даволаш усули 10 дақиқа давомида 620-660 нм тўлқин узунлиги, 150-200 мВт/см² қувватга эга маҳаллий “Восток” аппаратида ўтказилди. 0,01% коцентрацияда фотосенсибилизатор метилен кўкидан фойдаланилди.

